O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 2 февраль, чоршанба • № 9 (11.194) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Тошкент Давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" мақомини бериш тўғрисида

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчилар жамиятлари, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий ҳужжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгиласин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда унга "Миллий университет" мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш;

миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 январь.

Наврўз Шабадаси Эса Бошлади

ЮРТИМИЗДА байрамлар, яхши кунлар кўп. Улар яна ҳам кўпайсин. Лекин, бу байрамларнинг орасида биттаси ўзининг жозибаси, таровати, яратувчанлиги, бунёдкорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу — Наврўз айёми. Уни юртимиздаги барча миллат ва элатлар орзиқиб кутадилар. Шунинг учун ҳам Наврўз — умумхалқ байрами деган юксак мақом олган. Куни кеча ўлкамизни оппоқ қор қоплаган бўлса ҳам Наврўз насими эсиб қолди. Жойларда 2000-йил Наврўзини ўзига хос нишонлаш ва ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Шу йилнинг 1 февраль куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда вилоятда Наврўзумумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишда Наврўз тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов Наврўз байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақида тўхталар экан, асосий диққат-эътиборни республика Наврўз тантаналарида вилоят ижодий гуруҳи, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номли миллий боғда ташкил этиладиган халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари кўргазмасида вилоят ҳунармандларининг иштирокини таъминлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига қаратди. Бу бежиз эмас эди. Чунки, асосий тантаналарда вилоятнинг иштироки ўзига хос, ўзига мос мазмун касб этиши керак.

Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, Наврўз айёми нафақат бош майдонда, шаҳар, туман марказларида, балки, вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам юксак даражада ўтиши лозим. Энг муҳими, бу умумхалқ байрамидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. 2000-йил Наврўзи вилоятда ана шу жиҳати билан ажралиб туриши керак.

Эндиликда зудлик билан ҳар бир шаҳар ва туманда, корхона, ташкилот, муассасаларда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталар тузилиб, амалий ишга киришиш лозимлиги қайд этилди.

Юқорида айтганимиздек, Наврўз айёмининг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти бор. Бундай тадбирларнинг бири ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришдир. Шундай экан, ҳозирданоқ жойларда бу борадаги юмушларни бошлаш зарур. Наврўз янги кун, янги ишларнинг бошланиши демакдир. Бу дегани деҳқонларимиз, боғбонларимиз экин-тикин ишлари билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни ҳам бошлашга тайёргарлик кўришлари керак. Бунёдкорлик Наврўзнинг яна бир хусусиятларидан. Айём муносабати билан қурилиб, халқ хизматига топширилаётган маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, маҳалла гузарлари, янги уй-жойлар шаҳарлар ва қишлоқлар гўзаллигини янада ошириб юборади. Шаҳар, туман ҳокимликлари, тадбиркорлар ана шундай объектларни байрамгача ҳозирлаб қўйсалар нур устига аъло нур бўлади.

Байрам муносабати билан умумхалқ ҳашарини ўтказиш ҳам аньанага айланиб бораётгани яхши удумлардандир. Вилоятда мана шундай халқ ҳашарини 2000 йилнинг 11 март куни ўтказиш режалаштирилмоқда. Ўйлаймизки, бу савобли ишдан ҳеч ким четда қолмайди.

Вилоят ҳокимлигида

Байрам куй ва қўшиқ билан гўзал, тўкин дастурхонлар билан тароватли. Демак, айёмда вилоятимизнинг уста ошпазлари, шоиру қўшиқчилари, барча санъаткорлари бел боғлаб, хизмат кўрсатишлари лозим. Байрам муносабати билан маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда элга танилган, халқ ҳурматини қозонган олим ва зиёлилар, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида миллий урф-одатларимиз, халқимизнинг қадимий аньаналарини ўзида акс эттирувчи давра суҳбатлари, маросли учрашувлар ўтказиш ҳам муҳим тадбирлар сирасига киради.

Албатта, Наврўз айёмининг яна бир алоҳида хусусияти ҳақида тўхталмасак бўлмас. Бу унинг саховатли, савоби байрам эканлигидир. Биз байрамда ҳеч ким четда қолмасин дедик. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Айём арафасида кам таъминланган оилалар, боқувчисиз қолган қариялар, меҳрибонлик уйларидаги жажжи кичкинтойлар, фахрийлар ва бошқа ёрдамга муҳтож фуқароларга ҳайр-эҳсон кўрсатиш, уларнинг холидан хабар олиш, байрам совғаларини улашиш ҳам энг катта савобли ишлардан бири бўлмоғи керак.

Йиғилишда байрамни ўтказиш билан боғлиқ яна қатор масалалар чуқур ва атрофлича муҳокама этилди. Юқоридаги тадбирларни ўтказиш юзасидан бўлим ва бошқармаларга, жамоат ташкилотларига, туман ва шаҳар ҳокимликларига аниқ вазифалар берилди. Бир сўз билан айтганда вилоятимизда Наврўзи айём — умумхалқ байрамига катта тайёргарлик бошланиб кетди.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

СЎЗИМИЗНИ жуда қадим замонда файласуф Суқрот томонидан айтилган: "Афлотун менинг дўстим, лекин мен учун ҳақиқат ундан ҳам муҳимроқ", деган ҳикматдан бошлашга жазм этдик. Ҳақиқат эса, шундай бир шода маржонки, унинг ипини узиб, бир донасини ҳам йўқ қилиб бўлмайди. Мана шу ҳақиқат сарҳадидан туриб назар ташласак, халқимиз ҳамма даврларда даҳо алломалар заковатидан баҳраманд бўлиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Маъмун академияси, Мирзо Улуғбекнинг академия даражасига кўтарилган мадрасаси, Ғиёсиддин Жамшид Маъсуд ал-Коший, Қозизода Румий сингари фахрийзамон алломаларнинг ўзинигина тилга олсак, фикримиз тасдиғини топган бўлади.

Оққан дарё оқаверади, дейди халқимиз. Чиндан ҳам дарёга қанчалар тош ташламанг, унинг шарақлаб оқиши кучаяди. Асрлардан бери оқиб келаётган зиёмиз дарёси яна ўзининг илк ўзанларидан мавжланиб оқмоқдаки, бунинг учун мустақилликдан, "Тошкент Давлат Университига" "Ўзбекистон Миллий университети" мақоми бериш тўғрисидаги муборак Фармонга имзо чеккан Президентимиздан чексиз миннатдормиз. Ушбу Фармоннинг эълон этилиши маънавиятимиз, маърифатимизнинг сарчашмаларидан мангу баҳрамандлигимиздан, маънавият доимо ҳур Ўзбекистонимизнинг энг муҳим забардаст қанотларидан бири бўлиб қолишидан далолатдир. Зеро, Президентимиз Тошкент шаҳар сайловчилари билан бўлган учрашувда тарихимиз ҳақида гапириб, Тошкент Давлат университетининг ҳаққоний тарихини тиклаш ҳамда унга миллий университет мақомини бериш ҳақида тўхталиб ўтгандилар. Бугун ана шундай саодатли дамларга мушарраф бўлиб турибмиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ерлик аҳоли фарзандларига ҳар тарафлама тўкис таълим ва тарбия берувчи илмий даргоҳ— дорилфунун тузиш зиёлиларимизнинг фикри-ёдини банд этган эди. Хусусан, жадидлар ҳаракати — янги ёш авлоднинг элга илму-маориф тарқатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари мана шунга қаратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Жаҳон илмидан тўла баҳраманд бўлиш, замонасининг баркамол инсонини тарбиялаш ўша пайтлардаги энг оммавий шиор бўлганди, десак тўғри бўлади. Тарихда эътиқодига, иймонига содиқ қолган, халқининг эртанги куни учун виждони буюрганидек курашган буюк маъ-

Муносабат

рифатпарвар Мунавваркори Абдурашидхоновнинг интилишлари, бу йўлда унинг ҳаммаслакларининг бирдамлиги туфайли ана шундай буюк мақсад сари илк қадам қўйилганига йиллар шоҳид. Ўша кун, яъни 1918 йилнинг 12 майида Туркистон миллий дорилфунуни эшиклари илмга чанқоқлар учун кенг очилди. Бу эшиклар Ватан истиқболи, равнақи учун хизмат этиши керак эди. Мана шундай ниятлар билан Фитрат, Камол Шамс, Бурҳон Ҳабиб, Ҳайдар Шавқий, Амин Афандизода, Исмоил Ризо, Абубакр Диваев, Абдулла Раҳимбой каби олимлар, ўз ишининг омилкор фидойилари бўлган билимдонлар ёшларга сабоқ бера бошладилар.

Хотирангизда бўлса, бир пайтлар "Ленин йўлланмаси билан" номли бадиий фильм яратилганди. Унда ҳикоя қилинишича, бир гуруҳ рус олимлари Ўрта Осиё халқларига илми-маърифат улашиш учун келгани, бу ерда илк бор университет ташкил этилгани ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, ҳаётда ҳам шундай бўлган, 1920 йилда Туркистон Давлат университети ташкил этилган эди. Буни қарангки, неча-неча йиллар худди шунга ишониб яшадик, Ленинга раҳматлар айтиб, ўқидик. Беҳбудийлар, Мунавваркорилар, Фитратларнинг қисматини ҳикоя қилувчи барча ҳужжатлар таъқиқланганди.

Сўзимизнинг бошида бекорга ҳақиқатни тилга олмадик. Бугун ўша йўқ қилинган битта марварид яна шодасидан ўзининг ўрнини эгаллади. Бугун биз миллий университетимизга эга бўлдик. Не бахтки Президентимиз Фармонида мазмуни бир олам сўзлар қайд этилди: "Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий Университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин: ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш..."

Бугун халқнинг маънавияти, маърифати учун ўз жонини қурбон қилганларнинг руҳипоки олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Уларнинг хотираларини эъзозладик, уларнинг маслак ва мақсадларини рўёбга чиқардик. Остона ҳатлаб ўтар экан, ҳар бир талабага улар "Миллий университет муборак!" деяётгандек. Талабалар ҳам ғурур билан сабоқ оларкан теран томирларимизнинг ниҳоятда бақуватлигини ҳис этиб туришлари табиий. Эндиги вазифамиз озод Ватан бахт-саодати йўлида ишлаш, яшаш учун билим олишимиз, ёшларга Миллий университет пойдеворида буюк инсонларнинг ўлмас орзулари борлигини уқдиришимиз, эртанги ёруғ кунлар сари жаҳоний билим ила мукаммал қуролланиб бормоғимиз керак.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ОЛМАЛИҚДАН ОЛАСИЗ

● Ўзбекистонлик ва россиялик ишбилармонлар ҳамкорлиги натижасида Олмалиқдаги маиший кимё заводи қошида "ДП. PALLADA VOSTOK" корхонаси вужудга келди. У ўтган йил декабрь ойидаёқ дастлабки маҳсулотларни бера бошлади. Самара кутилганидан аълороқ бўлди. Маиший, кимёвий, уйрўзғор буюмлари тез кунда ўз харидорларини топди. "Лимон", "Облепиха", "Вилёк" шампунларини, "Санфар", "Помошница", "Мечта" пасталарини, "Дентамед" тиш ювиш маҳсулотларини одамлар бажону дил сотиб оладиган бўлдилар.

Корхона ишга туширилгач, дастлабки икки ҳафтада 21 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Улар ички бозорни бойитишда қўл келди. Янги йилнинг январида эса 40 миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

СУРАТЛАРДА: *(юқоридан пастга) ишчи Нури Абдуллаева ўз ишидан мамнун; корхона маҳсулотлари.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҳаёти

● ЯНГИЙЎЛ. Туманда уч кун давом этган маърифат кунлари якунланди. У барча муассасалар, ташкилотлар, мактаблар, билим юртлари, жамоаларида жўшқинлик билан ўтказилди. Мунозаралар, баҳсларга бой бўлган ҳар бир учрашувда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз маърузасида ниҳоятда долзарб масалалар кўтарилгани таъкидланди, ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида диний экстремизмнинг олдини олишга бағишлаб, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Учрашувларда барча ёшу қари хушёрликка даъват этилмоқда.

● ЗАНГИОТА. 45-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фанлари муаллимлари илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда бу фанларни янада чуқурроқ, янада ҳаққоний тарзда болаларимиз онгига етказишдаги муаммолар муҳокама қилинди. Шу борада қилинадиган ишлар юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

● ВИЛОЯТИМИЗДА "Соғлом авлод йили" кувончлари бошланди. Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Равшан Рўзибоев ва унинг умр йўлдоши Замирахонлар оиласида бир йўла уч эгизак — Хасан, Фотима, Зуҳралар туғилди. Эндиликда беш фарзанднинг ота-оналари бўлиб қолган бу хонадон соҳибларига республика "Соғлом авлод" жамғармаси ва унинг вилоят бўлими совғалар, болалар озуқа маҳсулотлари, кийим-кечаклар топширишди. Айниқса, жамғармалар томонидан учта аравача ҳадя этилганидан Замирахон беҳад миннатдор.

● ОҚҚЎРҒОН тумани ижтимоий таъминот бўлими, республика "Наврўз" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими, туман спорт қўмитаси ташаббуси билан тўртта спорт тури — дартс, шоҳмот-шашка, узоқликка сакраш ва билакда куч синашиш бўйича ногиронлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Ҳар қайси спорт турида ғолиб чиққан Р. Кенжаев, А. Аҳмедова, М. Алимова ва А. Кунохуновга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, ижтимоий-таъминот ва "Наврўз" жамғармаси туман бўлимлари ҳамда спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

● ҚИБРАЙ туманидаги Янгиобод қишлоғида "Тошэластик" Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Аҳмаджон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган тадбиркорлар томонидан бир неча йиллардан бери фойдаланилмай ётган бино таъмирланиб, ускуналар ўрнатилди. Бу ерда оддий ва тиббиётда қўлланиладиган қоплама пайпоқлар ишлаб чиқарила бошланди. Янги корхонанинг очилиши муносабати билан 70 нафардан ортиқ ишсиз аҳоли иш билан таъминланди.

● "Бритиш Американ Тобакко-Ўзбекистон" фирмаси ташаббуси билан "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" дастури республикамизнинг қатор мактабларида тажриба синовидан ўтмоқда. Яқинда бу дастурнинг иккинчи босқичига якун ясалди. Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб педагогик жамоасининг дастурни амалга ошириш борасидаги фаолияти юқори баҳоланди. Бу билим ўчоғининг маҳаллалар билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирини жойларда оммалаштириш лозим, деган қарорга келинди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

КЕЧА вилоят ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари" мавзусида икки кунлик илмий-амалий семинар иш бошлади.

Анжуманда вилоят шаҳар ва туманлари тадбиркорлар палаталари, тадбиркор аёллар уюшмалари раислари, тадбиркорлар, фермерлар иштирок этдилар.

Семинарни вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева бошқарди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт, бизнес, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамкорлигида ташкил этилган семинарнинг эркин мулоқот тарзида ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳам унинг иштирокчилари ўзларини қизиқтираётган масала ва муаммоларни дадил ўртага ташладилар. Саволларга Давлат солиқ қўмитаси тизимини ислоҳ қилиш ва солиқ мунозараларини кўриб чиқиш департаменти директорининг ўринбосари Рустам Баҳромов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети олимлари — профессорлар Гулчеҳра Охунова, Жамол Жалолов, Анвар Эшмуҳамедов, Турсун Шодиев ва бошқа мутахассислардан жавоблар олдилар.

Шунингдек, семинарда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, бу жараёнда банкларнинг ўрни, бозор иқтисодиётида солиқ тизими ва бошқа мавзуларда ҳам маърузалар тингланди.

Ўйлаймизки, икки кунга мўлжалланган бу амалий семинар вилоятда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

ҚОНУН — ЖАМИЯТ — ИНСОН

ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида халқаро ҳуқуқ меъёрий талаблар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури, Оврупода Хавфсизлик ҳамда Ҳамкорлик Ташкилоти тавсияларига мувофиқ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатловчи нафақат қонунлар, балки, тегишли қатор миллий тузилмалар шакллантирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги институти (1995 йил), Парламент қошидаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти (1996 йил), Президент фармони билан иш бошлаган инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази (1996 йил), "Жамоатчилик фикри" маркази (1997 йил) каби ташкилотлар фаолияти йил сайин самарали бўлмоқда.

Бундан тўрт йил аввал Юртбошимиз ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимининг, 1997 йилда "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда инсон қадр-қимматига алоҳида эътибор берилаётганлигининг ёрқин далилига айланди.

Мазкур қонунга кўра, Вакил тўртта асосий вазифани адо этади. Биринчидан, давлат фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва манфаатдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатини амалга оширади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Учинчидан, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий тафаккурини оширишга кўмаклашади ва тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдек муҳим вазифани бажаради.

Умуман олганда, Ўзбекистон омбудсманининг фаолияти бошқа давлатлардагига асосан ўхшаш, бироқ, давлатнинг тараққиёт даражаси, ижтимоий онгнинг етуклиги ва яна қатор омилларга кўра бир қанча тафовутлар ҳам бор. Аввало шуни айтиш керакки, республикамиз омбудсмани парламент депутатидир. Бу эса унинг ҳуқуқий мақомини кучайтиради, ўз вазифаларини самаралироқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, омбудсманга унинг қошида мавжуд бўлган нуфузли ва турли соҳа мутахасисларидан иборат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига риоя қилиниши бўйича комиссия шикоятларни кўриб чиқишда катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса штати анчагина ихчам бўлган омбудсман учун аҳамиятлидир.

Ҳуқуқий сабоқлар

Ўзбекистон омбудсманига республика минтақаларида ёки халқаро анжуманларда қонун бўйича ўзининг аниқ ваколатларини амалга оширувчи вакилларига эга бўлиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Республикамизда ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ ишининг самарадорлигига асосан уч йўл билан эришилади. Бу йўналишлар фуқаронинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятни асослаш, бузилишга сабабчи бўлган органларга уни маълум қилиш, қонунга хилоф иш тутган шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишини тахлил этиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билан чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИНСТИТУТИ мониторинги эса илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Институтнинг асосий вазифалари — инсон ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликнинг халқаро меъёрлар ва талабларга мослигини ўрганиш, республикамизда демократия ва инсон ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш, қонунларни такомиллаштириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларини тажрибадан ўтказиш, қонунларнинг ижросини таъминлаш юзасидан назоратни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашдир.

Мамлакатимиз Президентининг фармони билан ташкил этилган ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ давлат, идораларарО мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. У ҳаракатларнинг миллий режаларини, шунингдек, Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқи соҳасидаги жаҳонда тан олинган маромларнинг қоидаларини татбиқ қилиш бош йўлини ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар беради. Давлат органларининг инсон ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида анжуманлар ташкил этади, ўқув-услубий адабиётлар нашр этишни таъминлайди. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотлар тўплайди.

Кейинги йиллар ичида ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ МАРКАЗИ ҳам нодавлат муассаса сифатида Ўзбекистоннинг сиёсий ва маданий равнақи билан боғлиқ масалалар бўйича омма фикрини жамлашда ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. Марказ ижтимоий сўровлар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказмоқда, жамоатчилик фикри мониторингини ташкил қилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб у инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институтига мурожаат қилган фуқароларнинг сўровларини ташкиллаштириш билан ҳам шуғулланмоқда.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолиятларини замон талаблари асосида юргизмоқдалар. Улар ўз бурчи ва мавқеига кўра республикамизда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим таянчларига айланмоқдалар.

Омонилла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти.

ҲАР БИР ОИЛА — ЕР ЭГАСИ

1999 йил хўжалик мавсумини жамоамиз аъзолари узоқ йиллар давомида эслаб юришса ажаб эмас. Негаки, таъбир жоиз бўлса, шу йил хўжалигимизнинг ҳаётмамоти ҳал бўларди. Бошқача қилиб айтганда, кейинги йилларда иқтисодий таназзулга учраган хўжалигимиз санацияга тушган қишлоқ хўжалик корхоналари рўйхатига киритилиб, қайта тикланиш учун икки йиллик муддат-имконият берилганди.

Агар биз ташқи бошқарув шароитида яратиб берилган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиб, 1998-1999 йилларда хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олсак яхши, бўлмаса банкротга учраб, фаолиятимиз тўхтатиларди ва хўжалигимиз тугатилиб, бошқа хўжаликларга қўшиб юборилади.

Бугун, қувонч ва комил ишонч билан айта оламизки, деҳқонларимиз ҳукуматимизнинг икки йил муддатга белгиланган синовидан муваффақиятли ўтдилар. Хўжалигимиз зарарига ишлашдан қутулиб, фойдага кирди. Фаолиятимизнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликда эришган натижаларимиз, айниқса, салмоқли ва хўжалигимизнинг истиқболи масаласида умидбахш бўлди. Хўш, бунга қандай қилиб эришдик?

Кишлоқ ва ислоҳот

Биринчи галда ислоҳотлар туфайли юзага келаётган чексиз имкониятларни алоҳида таъкидлашни истардим. Санациянинг дастлабки йилида оилавий пудрат усулини жорий этдик. Экин майдонларининг ҳаммаси 425 оилага бўлиб берилди. Бошқариш ва ҳисоб-китоб ишлари осон бўлиши учун пудратчи оилалар бригадаларга бўлиниб, барча агротехника тадбирлари вақтида, сифатли олиб борилди.

1998 йил якунида биз етарли техника воситаларига эга бўлмай туриб, пахтачиликда юқори кўрсаткичларга, айниқса, салмоқли соф даромад олишга эришиб бўлмайди, деган хулосага келгандик. Шу боис 1999 йил бошиданоқ мавжуд имконият ва бор маблағларни қишлоқ хўжалик техникаларини бутлаш, таъмирлаш, янгиларини сотиб олишга йўналтирдик. Ишлов тракторларининг ўзи 13тага етказилди. Натижада ғўзаларни ўт босишга йўл қўйилмади. Йиғим-терим даврида эса, ўзимизнинг маҳаллий русумдаги 12та машинамизни тўла қувват билан ишлатдик. Бундан ташқари МТСдан иккита "Кейс" олиб ишлатдик. Натижада ҳосилнинг 42 фоизи машиналарда терилди. Айрим пудратчи оилалар биринчи теримдаёқ гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил йиғиштириб олдилар. Шукур Маъмуров, Бахтиёр Холқўзиев, Мелибой Саримсоқов бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 36-40 центнерга етди.

Иккинчидан, йил давомида пудратчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга ҳаракат қилдик. Ҳар ойда канда қилмай, 6-7 минг сўмдан маош бериб борилди. Йиғим-терим пайтида эса, механик-ҳайдовчилар кунлик суръатга қараб рағбатлантириб турилди. Шу боис Қаҳрамон Қўлдошев, Фарҳод Саидов, Йўлдош Бойчаев каби механизаторларимиз мавсумда 100-120 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Хуллас, 1999 йил деҳқонларимиз учун омадли бўлди. 6,5 миллион сўм соф даромадга эга бўлиб, нафақат санациядан муваффақиятли чиқдик, балки бундан буён иқтисодий жиҳатдан янада юксалиб бориш учун мустаҳкам замин ҳам яратдик ва 2000 йилга аниқ мақсад, эзгу ният билан қадам қўйдик. Жумладан, 2000 йилдан бошлаб янада эркин ва мустақил фаолият юритиш имкониятлари вужудга келмоқда. Американинг Ўрта Осиё минтақасида уруғчилик соҳаси бўйича фаолият юритадиган компанияси билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Ушбу компания Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида пахтани қайта ишлайдиган завод барпо этди. Биз компания билан пахта ҳосилимизнинг ҳаммасини шу заводга топшириш юзасидан шартнома тузганмиз. Демак, биз ҳар йили асосий маҳсулотимизни сотиш учун муқим ва ишончли мижозга эгамиз. Дарвоқе, ушбу компания бизга "Кейс" русумли иккита чопиқ тракторини олти йил муддатга имтиёзли, яъни оз фоизга кредитга берди. Санация шароитида кечган икки йил давомида орттирган тажрибамиз ҳамда ҳорижликлар билан манфаатли ҳамкорлик хўжалигимизга яқин йиллар ичида иқтисодий бақувват ва барқарор қишлоқ хўжалик корхоналари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини беришига ишонамиз.

Эшмуҳаммад БЕРДИЕВ,
Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси.

САНЪАТШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Бадиий Академияси ташаббуси билан Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" деб номланган маърузасини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев анжуманда сўзга чиқиб, юртбошимизнинг маърузасида мамлакатимизнинг бундан буёнги тараққиёти билан боғлиқ долзарб вазифалар, жумладан, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, мамлакат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар ўртага қўйилганлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан санъатшунослар ўз асарлари билан иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро манъанавиятини шакллантириш, замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшажакларини билдирдилар.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

"Акмал-Лазиз" таклиф этади

• *ВИЛОЯТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш кундан-кунга авж олмоқда. Зотан, бу йўналиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда самарали омиллардан бирига айланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ биринчи сессиясида республикамиз Президенти бу масалага жиддий эътибор қаратди.*

Қибрай туманидаги "Акмал-Лазиз" корхонаси замонавий тадбиркорлик асосида бунёд этилган ана шундай корхоналар сирасига киради. У республикамизда ягона бўлиб, харидорбоп, бежирим, ихчам ва енгил ёғоч яшчиклар ишлаб чиқармоқда. Маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаётган мазкур корхонада ҳар куни ўн турда 2 мингга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

— Тадбиркор бўлиш учун истакнинг ўзи етарли эмас экан, — дейди корхона раҳбари Акмал Мақсудов, — Бунинг учун замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ўрганиш ва уни корхоналарда жорий этиш лозим. Биз айни ана шу йўлдан бордик. Иккиланмасдан "Ўзбеклизинг" мажмуасидан 220 минг АҚШ доллари миқдорида қарз кўтариб, ҳориждан асбоб-ускуналар келтирдик. Ҳозир корхонамиз мўлжалдаги қувватга эришди, десак бўлади. Келажакда корхонани кенгайтириш ва бошқа замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалари устида бош қотирмоқдамиз.

СУРАТЛАРДА: *корхона ишчилари (юқоридан пастга) Гулчеҳра Аҳмедова, Ҳилола Валиева, Озода Беғматова, Насиба Жўраева, Рустам Ирисметов ҳамда Давлат Авазовларни кўриб турибсиз.*

Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.

"ФОГЕЛ" ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

"Тошкентавтойўл" давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг Оҳангарон бўлими йўлсозлари асфальт тўшашда Германияда ишлаб чиқарилган "Фогел" машинасидан фойдалана бошлади. Одатдаги учта агрегатнинг ўрнини боса оладиган мазкур замонавий техника айни пайтда "Тошкент-Ўш" автомагистралини кенгайтиришда жуда қўл келмоқда. Шуни айтиш керакки, кейинги вақтда бирлашма корхоналарининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, натижада бажарилаётган иш ҳажми ва сифати анча ортди.

ЎзА.

ЯНГИЙЎЛ ҚОҒОЗИ БЎЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида целлюлоза-қоғоз комбинати қурилиши жадал бормоқда. Мазкур иншоотни замонавий жиҳозлашда "Ўзбекқоғоз" акциядорлик жамияти муҳандислари ишлаб чиққан янги технологик линиялардан ҳам кенг фойдаланилаётир. Хусусан, "Тарҳ" деб номланган лиция пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан сифатли целлюлоза олиш имконини беради. Янги корхонанинг очилиши мамлакатимизнинг қоғозга бўлган эҳтиёжини ўзимизда тайёрланган маҳсулот ҳисобига қондириш йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

ЎзА.

ЎЗЛАРИ НИМА ДЕРКИНЛАР?

"30-канал" теледастурида "Клип-совға" кўрсатуви орқали турли саналар билан муайян одамларнинг муборакбод этилишига кўникиб қолгандик. Ҳа энди, тижорат канали пул топишнинг турли усулларидан шу тарзда фойдаланса керак-да. Туғилган кунлар-у тўйлар ва яна турли шодиёналар билан қутлаш учун тайёр мусиқавий клиплар намойиши чоғида чопқир мисраларда бир неча сўзлар ўтказиб юборилади, васаллом!

Телемусиқа ихлосмандлари ўзлари ёқтирган ижрочи ашуласини томоша қилиб тинглайверадилар. Номларига телетабрик йўлланганлар эса, ўзларига кўрсатилган эътибордан мамнун бўлаверадилар... Ҳар қалай "30-каналдаги бу мусиқавий лавхаларга унча эътибор бермасдим.

Аммо, телевидениенинг "ТВ-3" канали "Табриклаймиз, қутлаймиз", "ТВ-4" канали эса, "Дил изҳори" саҳифаларини очганда, анча пайт уларни кузатиб борар эканман, жуда ғашим келди. Балки, бу кўрсатувларнинг ижодкорлари "30-канал" қилган ишни биз эплай олмаймизми?" қабилида иш кўрмоқчи бўлгандирлар. Лекин, аввало ушбу мусиқавий табрикларда ҳар куни бир хил клиплар, ҳатто, тартиби ҳам ўзгартирилмай намойиш этилавериши меъдага тегаркан. Боз устига клиплар давомида "ҳе", йўқ, "бе" йўқ, табриклаётган одамларнинг суратлари намойиш этилиши (юртдош телетижоратчиларнинг бу "ихтиро"си ҳеч бир мамлакатда муқобилига эга бўлмаса керак!) ҳар қандай томошабиннинг ғашига тегади. Қолаверса, баъзан бир ёки икки ёшли гўдакларни туғилган кунлари билан муборакбод этишадики, бу

Лўқма

норасидалар нимани тушуна қолди экан деб, ўйланасан киши.

Буларнинг бари тижорат мақсадларида, маълум иқтисодий манфаатларни кўзлаб қилинаётган ишлар сифатида ушбу каналларнинг бу кўрсатувларини тайёрлаётганлар учун ғайритабиий кўринмас, балки. Бироқ, мусиқавий клиплар ҳар куни маълум бир вақтда, устига исталган одамлар суратлари тиқиштирилиб, қайта-қайта намойиш қилинаётгани ва шу тарзда мухлислари ихлосининг қайтишига сабаб бўлаётганини санъаткорларимиз наҳотки пайқашмаётган бўлса? Ёки кўра била туриб, ўзларини пайқамаётганга олишадими? Ахир, санъатлари маҳсулини бу тарзда намойиш этиш, уларнинг устидан кулишдан ўзга нарса эмас-ку!

Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратгим келади. Нима учун бу кўрсатувлар асосан замонавий эстрада жанрига оид мусиқа асарларидан дасталанади? Нега, миллий мусиқамиз фахри бўлган мумтоз қўшиқлардан фойдаланиш мумкин эмас?! Айтайлик, олтмиш ёки етмиш ёшни қаршилаётган онахонни ёҳуд пайғамбаримиз ёшига кирган отахонни муборакбод этаётганда. "Бу кеча" қабилидаги қўшиқ билан қутлаш ўринлими? Ё Муқимий, Фурқат ғазалларига басталанган қўшиқлар халқ назаридан қолиб кетган деб ҳисоблашадими?

Ҳар куни бир хил ашулаларни эфирга узатишнинг бирор бошқа манфаатли томонлари борми? Ё истеъдодларга бой мамлакатимиз телевидениесининг мусиқий дастурлари хилма-хиллигини таъминлаш учун санъаткорларимиз камлик қилаяптими?

Қолаверса, телевидениенинг мусиқий кўрсатувлар таҳририяти бунга қандай муносабатда? Телевидение раҳбарларичи?

Хуллас, саволлар кўп, уларга ким ва қачон жавоб беради, билмайман. "Табриклаймиз, қутлаймиз" ҳамда "Дил изҳори" кўрсатувлари эса, ҳар куни намойиш этилмоқда.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.

"ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ" ИНҚИРОЗДАН ЧИҚМОҚЧИ

"Оҳангаронцемент" ҳиссадорлик жамияти аъзолари янги хўжалик йилини катта режалар билан бошлади. Хусусан, бу ерда асосий маҳсулот — цемент ишлаб чиқариш ҳажмини бир миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Узоқ вақтдан буён оғир молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган ҳиссадорлар бунга қандай эришмоқчи?

Бир вақтлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган цементнинг 30 фоизини етказиб берган "Оҳангаронцемент" корхонаси бугунги кунда тўла қувват билан ишлай олмаяпти. Бир йилда 1 миллион 800 минг тоннагача маҳсулот тайёрлаш қуватига эга бўлган корхонада ўтган йили бор-йўғи 700 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу эса корхона иқтисодий аҳволига жиддий таъсир этмоқда. Унинг қарзлари кўпайди, ишчиларга маош тўлашда узилишлар юз бера бошлади.

Корхонанинг бундай ачинарли аҳволга тушиб қолиши, инқирозга юз тутишининг сабаби оддий: бу ерда ишлаб чиқариш технологияси аллақачон эскирган. Сўнгги вақтларда заводда мавжуд тўртта улкан қиздириш печининг атиги иккитаси ишламоқда, холос. Қолгани эса таъмирталаб. Ҳар бир печни бир марта созлаш учун 360 тонна ўтга чидамли ғишт талаб этилади. Бу маҳсулот эса, республикамизда ишлаб чиқарилмайди.

— Бугунги кунда бу борадаги аҳвол яхшиланиб, эҳтиёт қисмлар муаммоси ҳал этилмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси А. Фёдоров. — Тез орада печларни тўлиқ таъмирдан чиқарамиз, цехларимиз тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Бундай дейишга асос бор, корхона Россиянинг "Магнезит" фирмаси билан ўтга чидамли ғишт етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Айни пайтда маҳсулотнинг дастлабки туркуми етиб келди. Цементчиларга словакиялик ҳамкорлар ҳам ярим миллион тоннадан ортиқ шундай маҳсулот жўнатмоқда. Бир сўз билан айтганда, корхонанинг бугунги кундаги энг ўткир муаммоси ҳал бўлди. Бу эса, йилнинг дастлабки чорагидаёқ ишлаб чиқариш бир маромга тушишига умид туғдиради.

Вазирлар Маҳкамасининг йирик корхоналарни хусусийлаштириш тўғрисидаги Қарори мақсадларимизни амалга оширишга имкон яратди. Корхонамиз мулк шаклини ўзгартириб, ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Жамоа аъзолари ўртасида ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлик ҳисси пайдо бўлди.

Ҳиссадорлик жамиятида мулкни қайта баҳолаш бўйича хорижий мутахассислар танлови ўтказилди. Тўрт даъвогарлардан бири — француз фирмаси вакиллари бунда ғолибликни қўлга киритди. Улар "Оҳангаронцемент" мутахассислари билан уч ой давомида корхона мулкини баҳолаб чиқди. Акцияларнинг бир қисми — 25 фоизини ҳорижий инвесторларга сотиш белгиланди. Бу иш муваффақиятли амалга ошса, корхонага 19-25 миллион АҚШ доллари атрофида сармоя ётқизиш, шунинг ҳисобидан уни қайтадан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар таъминотини яхшилаш мумкин бўлади. Айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан корхона акцияларининг тегишли қисмини хорижий инвесторларга сотиш юзасидан очиқ тендер эълон қилинди.

Цемент ишлаб чиқарувчилар 2005 йилгача бўлган даврдаги истиқбол режалари ҳақида ҳам жиддий бош қотирмоқда. Яқин йиллар ичида бу ерда бир миллион 200 минг тонна юқори сифатли қурилиш маҳсулоти тайёрланиши, экспортга бир ярим миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот чиқарилиши лозим.

Айни пайтда мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ҳисобига цемент тайёрлаш ҳажми кўпая бошлади — йил давомида ишлаб чиқариладиган маҳсуотнинг ҳаммасига харидор бор. Энг муҳими, иш ҳақини ўз вақтида олаётган корхона меҳнаткашларининг меҳнатга муносабати ўзгарди. Бу эса, корхонанинг яқин келажакдаги истиқболига ҳам умид уйғотади.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қонун ва ижро

ҲАР КИМ ҲАМ ФЕРМЕР БЎЛАВЕРМАЙДИ

Вилоят назорат инспекцияси ва ер ресурслари бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини текшириш нималарни кўрсатди

Сир эмас, тараққий этган мамлакатларда умумий аҳолининг 8-10 фоизигина қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Ана шу оз сонли деҳқоннинг ўзи тўкин яшайди, халқини ҳам бойитади. Улардан орттириб, четга маҳсулот экспорт қилади ва бу билан давлатга ҳам мўмай даромад келтиради.

Агар бундай фаровонликнинг туб сабаблари ҳақида фикр юритиладиган бўлса, гап аввало, қишлоқдаги мулкчиликнинг энг мақбул ва самарали шакли фермерлик эканлигига бориб тақалади. Бу бежиз эмас. Фермер — ҳамма ерда, ҳар қачон эркин меҳнат кишиси ва айниқса, ўзи яратган маҳсулотнинг ягона эгаси бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Шу боис, республикамиз Президенти ислоҳотларни, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида янада чуқурлаштириш, бу тармоқдаги меҳнатни эркинлаштириш, ерни биладиган, уни асрай оладиган ва ардоқлайдиган ҳақиқий эгасига топшириш, бошқача қилиб айтганда чинакам фермер хўжаликларини вужудга келтириш, шакллантиришга эришиш лозимлиги ҳақида тинимсиз жон куйдирмоқда. Зеро, ана шундай мулкдорларгина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида туб бурилиш ясаб, ерни унумдор, экинни ҳосилдор қила оладилар. Бу жамиятни фаровонликка элтадиган асосий йўлдир.

Истиқлол йилларида бутун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам ерга эътибор ортди. Уни ўз эгасига топшириш яъни фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Мулкдорларнинг ерга, мулкка ва ўз меҳнатлари маҳсулига эгалик ҳақ-ҳуқуқларини амалда мустаҳкамлайдиган қатор қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда мулкдорларнинг ерга муносабатлари, моддий ва маънавий манфаатлари, мамлакат, давлат олдидаги бурчлари аниқ белгилаб қўйилган. Қонунларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши ўз самарасини бера бошлади. Қатор фермер хўжаликлари йўлларини топиб, қаддиларини ростлаб олдилар. Ўртачирчиқ туманидаги Эрмат Усмонов, Қўйичирчиқ туманидан Жўра Отаев, Чиноз туманидаги Мирвали Фозилов каби ўнлаб фидойилар раҳбарлигидаги фермер хўжаликларининг номи бугунги кунда нафақат вилоятимизда, балки республикамиз миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Айни пайтда мавжуд меъёрий ҳужжатлар ижросига барча туманлардаги фермер хўжаликларида ҳам етарлича амал қилиняпти, деб бўлмайди. Айрим раҳбарларнинг лоқайдликлари, маъсулиятсизлиги, аксарият фермерларда ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги ҳақиқий қишлоқ мулкдорларини тезроқ шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Туманларда фермерлар уюшмалари хўжаликлар билан ижара шартномасига оид ҳужжатларни расмийлаштиришда, фермерларнинг ҳуқуқий мақомга эга бўлишларини таъминлашда бепарволикка йўл қўймоқдалар.

Вилоят назорат инспекцияси ва вилоят ер русурслари бошқармаси ўтказган текширувларда ҳудудимизда шу йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган 3051 нафар фермер хўжаликларидан 1072 нафари ёки 35 фоизи жамоа хўжаликлари билан ер ижараси бўйича шартномалар тузмаганлиги, хусусан Оҳангарон туманида 153та, Пскент туманида 415та, Бўка туманида 158та, Ўртачирчиқ туманида 44та фермер хўжалиги бу ишга панжа орасидан қараганлиги маълум бўлди.

Ерларни тақсимлашда ҳам ижтимоий адолатга риоя этилмаяпти. Бу борадаги қонунлар қўпол равишда бузилмоқда. Бундай ёндашув эса хўжаликларда узоқ муддат ишлаган, фермер бўлишга лаёқатли, аммо аризалари оқибатсиз қолиб кетаётган дала меҳнаткашларида нохуш кайфият туғдирмоқда.

Фермер хўжаликларини ташкил этишда айрим ҳокимликларнинг масъул ходимлари ҳамда хўжаликлар раҳбарларининг таниш-билишчиликка, қариндош-уруғчиликка қараб иш юритаётганликлари оқибатида ер майдонлари ҳақиқий эгаларига эмас, мансабдор шахсларга тарқатиб юборилмоқда. Хусусан, вилоятда 533 гектардан зиёд ер "тегишли одамларга" амалдаги қонунга ҳилоф равишда тақсимлаб берилган.

Бу борада, айниқса, Пскент туманида қўпол ҳатоликларга йўл қўйилмоқда. Тумандаги "Пскент" жамоа хўжалигида ўқитувчи Малика Қурбоновага 10 гектар, туман солиқ инспекцияси ходими Рустам Мирҳолиқовга 3 гектар, Навоий номли жамоа хўжалигида бош ҳисобчи Хуршидбек Каримовга 6 гектар, идора ходими Тўлаган Абдуҳолиқовга 3 гектар, Дўстбеков номли жамоа хўжалигида МТП директори Тоир Нишоновга 3 гектар, хўжалик бўлим бошқарувчиси Т. Рашидовга 3 гектар, И. Ҳайдаров номли жамоа хўжалигида ҳарбий прокуратура ходими Ўктам Муҳамаджоновга 5 гектар, Саид қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулла Умидовга 10 гектар, йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармаси бошлиғи Ўринбой Хатамовга 5 гектар, гараж мудири Ғайрат Қодирқуловга 3 гектар ер таниш-билишчилик туфайли ажратиб берилган. Ер ўз эгасини топмаган бундай ҳолатлар туманнинг "Ўзбекистон мустақиллиги", "Туркистон" жамоа хўжаликларида ҳам мавжуд.

Мансабдор шахсларга ер ажратишда улоқ оққўрғонликларда экан. 1998-1999 йиллар давомида туман ҳокимлигига фермер бўлишни сўраб, 368 нафар кишидан ариза тушган. Шундан 85 кишининг аризаси қондирилган, холос. Худди шу жараёнда 10та мансабдор шахсга 275 гектар ер ажратиб берилган. Яна кимларга денг? "Озод" жамоа хўжалигида "Қаҳрамон" жамоа хўжалигининг собиқ раиси А. Сафоевга 26 гектар, "Султонобод" жамоа хўжалигида бош ҳисобчи Ж. Охуновга 10 гектар, бош муҳандиснинг ўғли Ф. Назаровга 43,1 гектар, бош иқтисодчи Ф. Достоновга 20,3 гектар, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи У. Исроиловнинг ўғли Улуғбек Исроиловга 10,9 гектар, С. Сегизбоев номли жамоа хўжалигида Оққўрғон шаҳарчасида яшовчи Роберт Кимга 50 гектар, "Маданият" жамоа хўжалигида яшовчи тадбиркор Ўткир Йўлдошевга 70 гектар ер ошна-оғайнигарчилик ҳисобидан бериб юборилган.

Ерларни талон-тарож қилишдан иборат бундай ҳолларни кўриб, бу туманда фермерлар уюшмаси раиси, назорат инспекцияси раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунидан хабардормикинлар, деб ўйлаб қоласан, киши.

Қатор туманларда фермерларга ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланилмаётир, айрим жойларда эса қаровсиз қолиб кетмоқда. Хусусан, Пскент туманида 94та, Бўкада 22та, Қўйичирчиқда 12та Ўртачирчиқда 5та фермер хўжаликларига берилган ерларда экинлар ҳосилдорлиги ғоят даражада паст. Бу борада ҳам, айниқса, Пскент туманида манзара аянчли. Тумандаги "Худоёр" фермер хўжалиги йиллик ғалла топшириш режасини 18,8, Ю. Ботиров номли фермер хўжалиги 23,9, С. Эргашева раҳбарлигидаги фермер хўжалиги 25, Г. Фозилматов бошчилигидаги фермер хўжалиги 5,4 фоиз бажарганлигини қандай баҳолаш керак! Ёки йиллик пахта топшириш режасини К. Турсиматов номли фермер хўжалиги 8 фоиз, фермерлар В. Маҳмудов 16, П. Файзиев 19,2, Т. Йўлдошев 16,7 фоиз бажарганликларини нима билан оқлаш мумкин?!

Вилоятда чорвачилик соҳасида фаолият юритувчи 35та фермер хўжаликларида чорва молларининг бош сони камайиб, айрим ҳолларда умуман йўқ бўлиб кетган. Лекин, шунга қарамасдан чорва молларига озуқа етиштириш ва уларни боқиш учун ажратилган ер майдонларининг ошиқчаси яъни 682 гектари жамоа хўжаликлари балансига қайтариб берилмаган. Бу фермер хўжаликларининг аксариятида Низомда белгиланган соҳа қолиб, кўпроқ полиз, сабзавот экинлари экилади, ҳосили эса ҳисоботдан яшириб қолинади. Хусусан, Оҳангарон туманида чорвачилик йўналишидаги 25та фермер хўжаликларида аллақачон моллар бош сони камайиб кетганлигига қарамай, 323 гектар суғориладиган, 56 гектар лалми майдонлар хўжалик ҳисобига қайтарилмаган. Туманнинг "Қорабошсой" фермер хўжалиги бундан 6 йил аввал туман ҳокими қарори билан ташкил этилиб, 206та шартли молга жаъми 68 гектар ер майдони биркитилган эди. Ҳозирга келиб фермада биронта ҳам мол қолмаган. Аммо, 68 гектар ер ҳамон фермер хўжалиги ҳисобида турибди. Ўтган йили Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги "Ал-Ҳаёт" фермер хўжалиги 53,5 гектар лалми ерга, "Янги ҳаёт" жамоа хўжалигидаги "Меҳрнур" фермер хўжалиги 20 гектар сувли ерга, "Дўстлик" жамоа хўжалигидаги "Тоҳир" фермер хўжалиги 29 гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинларини экиб, ҳосилни йиғиштириб олишган-у, лекин ҳеч кимга ҳеч қандай ҳисобот бермай кўя қолишган.

Бўка туманида чорвачилик йўналишида 14та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар қарамоғидаги 572 бош шартли мол учун ажратилган ер майдонларининг 28 гектари ортиқча. Масалан, "Элёр" фермер хўжалигида 9та шартли мол бўлиб, унга қонунда белгилаб қўйилган 2,7 гектар ўрнига 9 гектар, "Гулноза" фермер хўжалигидаги 4та шартли молга 1,2 гектар ўрнига 7 гектар ер майдони берилган. "Сўғдиёна" фермер хўжалигида ҳам 2,5 гектар ортиқча ер майдони бор. Туманда 238 фермердан 22 нафари ғалла, пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ўтган йилги режаларини умуман бажармадилар. Т. Азизов номли фермер хўжалигида 1998 йилда 25 гектар ерга пахта экиб, гектаридан 13 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 7,5 центнерга тушиб қолди. "Камол" ва "Алибой" фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 4,2, Бобур фермер хўжалигида 12 центнерни ташкил этди. Бундай фермерларга туманда тоқат қилиниб келинаётганлиги ростдан ҳам ажабланарли ҳолдир.

Вилоятнинг қатор туманларида фермерларни аттестациядан ўтказиш ишига бепарволик билан муносабатда бўлинмоқда. Бўка туманида 212 фермердан 190 нафари, Оққўрғон туманида 309та фермердан 39, Бекобод туманида 306та фермердан 32, Янгийўл туманида 399та фермердан 56 нафари аттестациядан ўтмаган.

Чиноз туманида 25та фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Аммо, улар имкониятлардан самарасиз фойдаланганликлари оқибатида чорва моллари бош сони камайиб кетгач, деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқдалар. Масалан, "Йўлтушган" жамоа хўжалиги ҳудудидаги фермерлар М. Эрхўжаев, М. Ғуломов ихтиёрида бугунги кунга келиб бир бош ҳам қорамол қолмаган. Худди шундай вазиятни "Эшонобод" жамоа хўжалигидаги "Балпан", "Гулзоробод" ширкат хўжалигидаги "Ёқубжон" фермер хўжаликларида ҳам кўриш мумкин. Текширишлардан кейингина бу фермерлар ихтиёридаги 100 гектардан ортиқ ҳосилдор ерлар хўжаликлар ихтиёрига қайтарилди.

Ачинарлиси шундаки, биз юқорида тилга олган айрим туманлар ўтган йили вилоятнинг давлатга ғалла, пахта топшириш йиллик режалари муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшди. Наҳотки, ушбу туманлар раҳбарлари фермер хўжаликларини тартибга солиб қўйиш борасидаги мутасадди кадрларга бўлган талабни унутган бўлсалар, ер майдонларининг деҳқончиликдан хабари йўқ кишилар қўлида бўлишига йўл қўйиб бersалар?!

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Саидвали ҲАСАНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбирлари.

ЧИНОЗ туманидаги "Фозил" хусусий фермер хўжалиги раҳбари Мирвали Фозилов тажрибали сигир соғувчилар Умри Эргашева, Муҳаррам Абдуллаева, Мавлуда Фозиловалар даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, дарҳақиқат, вилоят туманларида фермер хўжаликлари фаолиятини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Шу жиҳатдан қараганда вилоят назорат инспекцияси ва ер ресурслари бошқармаси ёр йўналишдаги ҳато ва камчиликларни атрофлича ва чуқур ўрганганликлари, уларни бартараф этиш юзасидан ўз тавсияларини берганликлари айни муддао бўлди.

Аниқланган нуқсонлар вилоят назорат инспекциясининг шу йил 27, 28 январ кунлари Ўртачирчиқ ва Оққўрғон туманларида вилоятдаги барча қишлоқ туманлари ҳокимлари биринчи муовинлари, назорат инспекциялари раҳбарлари, фермерлар уюшмалари раислари, хўжаликлар раҳбарлари иштирокидаги кенгашда талабчанлик билан муҳокама этилди.

Кенгашни бошқарган вилоят ҳокими муовини, вилоят назорат инспекцияси раҳбари Ўткир Абдураҳимов, Тошкент вилояти туманларида Вазирлар Маҳкамасининг фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги республика қонунлари юзасидан қабул қилган қарорининг ижроси ҳақида маъруза қилган вилоят назорат инспекцияси раҳбари ўринбосари Ботир Бухоров, шу масала бўйича сўзга чиққан вилоят фермерлар уюшмаси раҳбари Абдуқаҳҳор Қурбонов, вилоят ер ресурслари бошқармаси раҳбари Анвар Каримов ва бошқа масъул ходимлар йиғилганлар эътиборини ҳар қарич ердан оқилона фойдаланиш, фермерлар билан хўжаликлар ўртасида ижара шартномаларини тузишда совуққонликка йўл қўймаслик, фермерларни аттестациядан ўтказиб туриш, ерларни тақсимлашда ижтимоий адолат талабларига риоя этиш, бўлажак фермерларга танлов асосида ер бериш зарурлигига қаратдилар.

Бир сўз билан айтганда, кенгашнинг асосий мақсади вилоятда фермер хўжаликларини амалдаги қонунларга мувофиқ изга солишга, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ДУНЁ янги АСР бўсағасида

воқеалар • мамлакатлар • одамлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Давос шаҳрида очилган Халқаро иқтисодий форум бир неча кун давом этди. Унда 33 давлатдан 2 мингга яқин вакиллар қатнашдилар. Олти кунлик анжуман кеча ниҳоясига етди.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўтган ҳафта охирида икки кунлик ташриф билан Москвада бўлди. Россия Федерациясининг юқори мартабали раҳбарлари билан ўтказилган музокараларда Шимолий Кавказ ва Тожикистондаги вазиятлар муҳокама қилинди.

• НАТО Бош котиби Жорж Робертсон Украинага сафар қилди. У Украина президенти Л. Кучма ва бош вазир В. Юшенко билан бўлган учрашувларда Украина ва НАТО ўртасидаги алоқалар истиқболи билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

• БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Швеция дипломати Ханс Бликсни Ироқ аслаҳахоналарини текширувчи махсус комиссиянинг янги раҳбари этиб тайинлади. Бироқ, Ироқ томони унинг ваколатларини тан олмаслигини маълум қилди.

• РОССИЯ Давлат Думасида вужудга келган келишмовчиликлар ниҳоят барҳам топадиганга ўхшамоқда. Аввал Дума мажлисларида қатнашишдан бош тортган СПС, ОВР, "Яблоко" фракцияларининг вакиллари ниҳоят 9 февраль куни умумий мажлисда қатнашишга қарор қилганликларини билдирдилар.

ТЕРРОРЧИЛАР ҲОЛИ ТАНГ

ЧЕЧЕНИСТОН пойтахти Грозний шаҳри ҳамда бошқа тоғли ҳудудларда жанг қилаётган террорчилар мушкул аҳволга тушиб қолдилар. Пойтахтнинг доира шаклида қамал қилиниши, жангариларнинг турли минтақалардаги қароргоҳларига тайёралар, вертолётлар ва тўплардан берилаётган зарбалар сезилари натижалар бермоқда. Оқибатда террорчилар катта талафот кўрмоқдалар.

Хабарларга қараганда, Шимолий Кавказда террорчиларга қарши ўтказилган операциялар муваффақияти яққол кўзга ташланмоқда. Россия Қуролли кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан бўлган учрашувда аниқ далиллар келтирди. Унинг гапларига қараганда, ҳозиргача 10 мингга яқин жангари йўқ қилинган. Ҳарбий бошлиқнинг айтишича, ушбу ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан аввал Чечнистонда тахминан 22-25 минг жангари бўлган. Доғистонни озод этиш чоғида 2 мингдан зиёд жангари қириб ташланган. Шунингдек, Грозний ва Чечнистон жанубидаги жанглар пайтида Россия ҳарбийлари томонидан 4 мингдан зиёд террорчи йўқ қилинган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси маълумотларига кўра юқоридаги аҳволни юмшатиш учун халқаро экстремистик ташкилотлар Шимолий Кавказдаги террорчиларга моддий ва молиявий ёрдам беришни кейинги пайтларда бирмунча фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, 1999 йил декабрь ойида террорчилар ҳомийлари томонидан уларга 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ етказиб берилган. Бу гапларни ўз навбатида В. Манилов ҳам эътироф этди. Унинг таъкидлашича, террорчилар раҳбарларидан бири Ҳаттоб "Мусулмон биродарлар" бутун жаҳон лигасининг Чечнистондаги вакили ҳисобланар экан. АҚШ, Оврупо, Яқин ва Ўрта Шарқдаги экстремистик ташкилотлардан Ҳаттоб ва Басаевга катта миқдордаги молиявий ёрдам келиб турибди. Россия мудофаа вазирлиги ҳам қатор маълумотларни ошкор қилди.

Айни пайтда халқаро экстремистик ташкилотлар Афғонистон, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлар худудларидаги лагерларда террорчиларни тайёрлаш ишларини амалга оширмоқдалар. Жумладан, халқаро террорчи Усама бин Лоден турли миллатларга мансуб 5 минг нафар жангари тайёрлаб, Чечнистондаги жанговар ҳаракатларга юборишни режалаштирмоқда.

Ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар қилинмасин ер курраси-даги оловли нуқталарда турли оқимдаги террорчиларнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашмоқда. Чунки, уларга қарши бутун жаҳон кураш олиб бормоқда.

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

МУЗ УСТИДА ЯШНАГАН ГУЛ

Уни бундан йигирма беш-ўттиз йил олдин орзиқиб кутар эдик. Думбоққина, лабидан асло табассум аримайдиган қиз бутун жаҳоннинг эркатойи эди. Муз устида фигурали учишда унинг тенги йўқ эди. Тўғри, миллионлаб одамлар бу қизнинг йиғлаганини ҳам кўрган. Бир гал жаҳон биринчилигида ҳамма нарсасини бой бергач, келгуси йили биринчиликни қайтариб олган эди. Ушанда шохсупада у ошкора йиғлаганди. Уч карра олимпиада ғолибаси, ўн карра жаҳон чемпиони, ўн бир карра Европада биринчи бўлган Ирина Роднинанинг кўз ёшлари ҳамма учун гул юзидаги шабнамдек бўлиб туюлганди. Бугун унинг сўнгги йилларидан хикоя қиламиз.

Уз даврининг афсонасига айланган қиз 1990 йилдан буён Америкада яшаб, ишламоқда. Бир сафар Олимпиада чемпиони, Лейк-Эррохед фигурали учишлар марказининг директори Робин Казинс кўнғироқ қилиб қолади. Ўртада шартнома тузилади ва Ирина Жанубий Калифорнияга йўл олади. Эррохуэд кўлининг ажойиб соҳилида, Сан-Бернардино тоғи этакларида яшай бошлайди. Бу жойлар Лос-Анжелесга жуда яқин. Ирина Палм-Спрингс яхмалагида ёшларга фигурали учишдан сабоқ беради. Яшаш шароити ҳам ёмон эмас: 20 доқиқалик машқ учун 30 доллар ҳақ тўлашади. Дастлаб ҳаваскорларга дарс берарди. Шогирдларини ҳозир унинг ўзи танлайди. Улар ҳақида сўрашганида, Ирина жўшиб кетади.

— Улар юзлаб, — дейди тўлқинланиб, — одамлар йил давомида ўз фарзандларини етаклаб келишади. Биз иложи борича йўқ демаймиз. Мабодо талабаларим профессионал спортчилар бўлса, дастурларини такомиллаштирадилар. Хитойлик қиз Лю Чен, суриялик Бонали, Марина Климова, Петренко, Баюл — санаб саноғига етолмайсиз. Мабодо талабаларим ҳаваскорлар бўлишса — худди тўлқиндек оқиб келишади — Канададан, Европа, Корея, Японияданд қизалоқлар ташриф буюришади; ҳозир, ҳатто, Жанубий Африка, Австралиядан келган ўқувчиларим бор — улар билан ишлаш жуда мароқли. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Шарқликлар ниҳоятда меҳнатсевар. Шунинг учун ҳам дарровгина кўзга кўринади-қолади. Ҳар бир ўқувчи Палм-Спрингсга нима учун келганини яхши билади. Бир минут ҳам вақтларини бекор кетказмайдилар. Вақт — пул, деганлари шу бўлса керак-да. Уларнинг фигурали учишда уста бўлишлари учун минутига бир ярим доллар сарф қилинади. Ҳар куни икки-уч соатдан машқ бўлади. Бунинг устига хотиржам яшаш, яхши таомлар ейиш, дам олиш керак. Йўл ҳақи ҳам бор. Умуман, бир ойга 8-9 минг доллар харж бўлади. Энг муҳими одамлар биздан рози бўлиб кетадилар. Чунки ёшларга нафақат тажрибамизни, балки юрагимизни ҳам бергудек бўламиз.

Олис йиллар хотираси асло киши ёдидан ўчмайди. Ирина ҳам бўш қолди дегунча ўша, етмишинчи йилларни эслайди.

— Биз, — деб ҳикоя қилади у, — фақатгина медаллар учун курашмасдик. Биз бор-йўғимизни спортга тиккан фидойилар эдик. Ҳар битта ажойиб чиқишимиз билан ғурурланардик. Лекин бизни қанақа "ўйнатишди" — бу бошқа масала. Ўша пайтдаги спорт раҳбарлари бизнинг ҳаётимиз билан деярли иши бўлмасди. Лекин биз спортга бўлган садоқатимиздан бахтиёр эдик. Қалбан бой эдик.

Ўша йиллар... Икки марта олимпиада чемпиони, олти карра жаҳон ва Европа ғолиби Александр Зайцев 1972 йилнинг май ойида Санкт-Петербургдан Москвага келди. У бўлажак жуфтлиги Ирина Роднина билан танишгани келганди. Буни қарангки, Станислав Жук мураббийлигида тўққиз ой машғулот ўтказишгандан кейин Ирина ва Александр фигурали учиш тарихида мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Уларнинг дастури Европа чемпионатида энг юқори балл — "олти" билан ўн икки бора тақдирланди. Ирина ҳақидаги афсона айнан мана шунда туғилганди. Орадан уч йил ўтиб, муз устидаги жуфтлик ҳаётда ҳам "жуфтлашди". Ирина, Александр Зайцевга турмушга чиқди. Бу худди кечагина бўлгандек эди. Уларнинг катта ўғли Александр бу йил 21 ёшга кирди. Тақдир тақозосини қарангки, ота — Зайцев Москвада яшайди, она — Роднина Америкада ишлайди. Ирина Роднинадан ҳаётингиздаги энг қувончли нарса нима, деб сўрасангиз у, болаларим, деб жавоб беради.

— Ўғлим Саша хоккейга жон-дили билан берилган. Қизим Алена ўн тўртга кирди. Мусиқага ишқибоз. Иккалови ҳам мактабда яхши ўқидилар. Гарчи дарслар инглиз тилида бўлса ҳам рус тилини мутлақо унутишмади.

Ирина Роднина олис Америкада, Москвани жуда соғинар экан. Унинг отаси, синглиси, қариндошлари Россияда қолган. Йилда бир-икки у шов-шувсизгина юртига келиб кетади.

— Москвада сероб бўлган қариндош-уруғларим, дугоналарим, ҳамкасбларим, тўғриси, Америкада йўқ. Лекин турли нарсалар ўйлаб топаверамиз. Ўзим ҳам яхмалакда учишни тарк этганим йўқ. Машина ҳайдаш жони-дилим. Иккита машинам бор. Бири "Акура", иккинчиси "Исузу". Негадир япон машиналарини жуда ёқтираман. Балки бўйи паст одамларга мосланган учундир. Яна уларни ҳайдаш ҳам жуда осон.

Бир сафар Ирина машинага ишқибозлигидан тормага тушишига сал қолди. Соатига 115 мил тезликда кетаётганида уни полиция қувлаб етиб келди. Бахти бор экан, миршаб бу фигурачи қизни таниб қолди. Баённома тузганда машинанинг тезлигини 115 деб эмас, 95 деб ёзди. Оқибатда Ирина бир йил ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Ирина Роднинани ўзбекистонлик муҳлислари ҳам унутганларича йўқ. Умуман, уни унутиб бўладими!? Муз устида шунчалар бежирим, беозор ҳаракат қилардики, беихтиёр, қойил, деб юборардингиз. У бизга неча йиллар завқ-шавқ, қувонч, ғуззалик улашди. Муз устида қанчадан-қанча қайноқ томошалар кўрсатди. Ундан кейин муз устига жуда ҳам кўплаб фигурачи қизлар келишди, Лекин ҳеч қайсиси Ирина Роднина забт этган чўққини эгаллолмади. Чунки у битта эди. Битталигича қолади.

Бир пайтлар Ўзбекистонда ҳам фигурачи қизлар машқи бошланган эди. Ҳатто ўзбек қизлари ҳам Роднинанинг изидан бориб, қонкига меҳр боғлашган эди. Ўша умидлар, яъни ўзимизнинг қизларимизнинг муз устидаги беқиёс томошаларини кўриш ҳали ҳам мухлисларимизнинг фикри-ёдини тарк этгани йўқ. Умид қиламизки, XXI асрда шундай бўлади. Ўзбекистоннинг Ирина Роднинаси жаҳон яхмалакларида гулдек бўлиб ўз маҳоратини намойиш этади.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

НАВБАТ — МОСКВАГА

ЯҚИН ШАРҚДА тинчлик ўрнатиш муаммоси билан, айтиш мумкинки, барча йирик давлатлар раҳбарлари бош қотирмоқдалар.

Хусусан, бу борада Америка президенти Билл Клинтон қатор қатъий саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Эндиликда бу масала билан шуғулланиш навбати Россия Федерациясига ўтганга ўхшайди. Куни кеча Москвада Яқин Шарқ муаммоси бўйича кўп томонлама музокаралар бошланди. Жумладан, мазкур мулоқотларда Миср ҳукумати ҳам иштирок этади. МАР президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак яқинда ана шундай баёнот берди. Давлат бошлиғининг таъкидлашича, бўлажак учрашувларда Яқин Шарқни ядро қуролидан холи минтақага айлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим. Ҳ. Муборакнинг бундай дейишига асоси бор эди. Чунки, сўнгги йилларда расмий Қоҳира Исроилнинг ядровий заҳиралари масаласи юзасидан бир неча марта ташвиш билдирди. Бироқ, шунга қарамай, Исроил ҳукумати ҳанузгача ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имозалаганича йўқ. Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрига қараганда, Москва анжуманида қатор масалалар бўйича олға силжиш бўлиши мумкин.

ҚАРЗ — БАРИБИР ҚАРЗ

ХАЛҚ ОРАСИДА қарз — барибир қарз, деган ибора юради. Шу боисдан кўпчилик қарз олишга унчалик рағбат билдирмайди. Лекин, ноилож бўлиб қолганда, бундай тадбирга қўл уриш айб эмас. Шу маънода яқинда Ислом Тараққиёти Банки бошқармаси Қозоғистонга 20 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ажратиладиган маблағ мамлакатдаги Остона — Қарағанда автомобил шох йўлини қайта таъмирлаш лойиҳасига сарфланади.

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТАДИ

1953 ЙИЛДА ташкил этилган "Индиан Эйрлайнз" тайёра компанияси сўнгги йилларда жиддий иқтисодий қийинчиликларга учради. Балки шу боис, Ҳиндистон ҳукумати яқинда "Индиан Эйрлайнз" миллий авиакомпаниясини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда компаниянинг давлатга қарашли 51 фоиз акциясини сотиш кўзда тутилди. Жумладан, 26 фоиз акция қўшма корхоналар ёки стратегик ҳамкорларга, қолган фоизи эса, компания ишчилари ва мамлакатдаги молиявий муассасаларга сотилади.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

• ЎЗЛАРИНИНГ қинғир ишларини яшириш учун контрабандачилар нималарга қўл урмайди, дейсиз. Мексика қирғоқ қўриқчилари яқинда мамлакатнинг балиқ овлайдиган "Валерия" кемасини текширувдан ўтказган чоғида 5,5 тонна гиёҳвандлик моддаси — кокаинни мусодара қилди. Шу аснода кемадаги олти нафар киши ҳибса олинди.

• МОЛДОВАНИНГ Кишинёв шаҳрида яшовчи А. Николаевлар оиласи аъзолари тантанали кунни нишонлашга йиғилдилар. Ўтиришга файз бағишлаш учун 8та шам ёқилди. Лекин, хонадоннинг Чубайсак лақабли мушуги дафъатан ўзини ушбу шамларга келиб урди. Шундан сўнг у диванда ётган пўстинларга ёпишди. Ваҳимага тушган мезбон ва меҳмонлар мушукни аранг тўхтатиб, устига олча шаробини тўкиб, оловни ўчирдилар. Шу тариқа нохуш фалокат олди олинди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲИНДИСТОН ДУРДОНАСИ

"РАМАЯНА" қадимги ҳинд эпоси, ҳинд мумтоз адабиётининг дурдонаси. Унинг илк нусхалари милоддан аввалги тўртинчи асрда яратилган. Унинг биринчи муаллифи Шри Валмикидир. Дастлаб краксит тилида бўлган, кейинчалик санскрит тилига, XI-XVII асрларда Ҳиндистоннинг барча тилларига таржима қилинган, қайта ишланган.

Достон афсонавий халқ қаҳрамони Рам ва унинг рафиқаси Ситанинг қаҳрамонона ҳаёти ва саргузаштларига бағишланган бўлиб, бир неча китобдан иборат. Биринчи ва еттинчи китобларда Рам илоҳийлаштирилиб, худо Вишну қиёфасида гавдалантирилган. Бошқа китобларда эса у ерда ҳаёт кечирувчи, инсоний қиёфадаги қаҳрамон сифатида намоён бўлади. XVI асрда "Рамаяна" асосида атоқли ҳинд адиби ва мутаффакири Тулси Дас мустақил "Рамаяна" достонини яратган. "Рамаяна" жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Жумладан, ихчамлаштирилган бир китоб сифатида ўзбек тилида ҳам чоп этилган. 1970 йилда камина ҳинд адиби Прем Чанднинг болаларга мўлжалланган "Рама ҳақида қисса" китобини она тилимизга ўгирган эдим. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али эпосни маҳорат билан ўзбекчага ўгирганини таъкидлашни истардим.

Бир гуруҳ Ҳиндистон телевидениеси ижодкорлари "Рамаяна"нинг мавжуд бир неча нусхалари асосида тўлақонли кўп серияли видеофильм яратдилар. Р. А. Сагар видеофильм сценарийсини ёзиб, унга ўзи режиссёрлик қилган. Фильмдаги асосий ролларни таниқли ҳинд актёрлари катта маҳорат билан ижро этганлар. Бастакар Р. Жайн, қўшиқчилар, либос танловчилар, рассом, декорация усталари экран асарининг муваффақиятли чиқишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Мазкур видеофильм бир неча ойдан буён Ўзбекистон ойнаи жаҳонида муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Фильм воқеалари Митхила подшоҳи Жанаканинг шарти билан бошланади. Унинг соҳибжамол қизи Ситага хуштор бўлган алпқомат йигитлар ўртага қўйилган Шива камонини синдириши лозим. Не-не полвонлар майдонга тушиб, камонни ердан кўтармоқчи бўладилару уддалай олмайдилар. Шунда узоқ Айўдхиядан келган ака-ука Рам ва Лакшманлар унга яқинлашадилар. Паҳлавон Рам уни даст ердан кўтариб, чўрт иккига бўлиб юборади. Кўнгли таскин топган

Ойнаи жаҳондаги намойишдан сўнг

Жанака қизи Ситани тўй-томошалар билан валиаҳд Рамга никоҳлаб беради.

Айўдхияда тинч, осуда ҳаёт кечарди. Мамлакат подшоҳи Дашарат кексайиб қолгани, фарзанди аржуманди Рам ҳар жиҳатдан камолотга эришганини ҳисобга олиб, тахтни унга топширмоқчи бўлади. Саройда машварат ўтказилиб, Рамни тахтга ўтказиш куни белгиланади.

Саройдаги чўри, ҳасадгўй Матҳаранинг қут-қуси билан кенжа малика Кайкейи ҳийла ишлатиб ўғли Бҳаратни тахтга ўтқазишни орзу қилади. Подшоҳга унга берган ваъдасини эслатиб, тахтга ўз ўғлини ўтказиш, Рамни эса, ўн тўрт йил муддатга юртдан бадарға қилинишига розилигини олади. Рам ота амрига бўйсуниб, йўлга отланади, унинг шунча илтимосларига қарамай, севикли завжаси Ситабону ва меҳрибон укаси Лакшман унга ҳамроҳ бўладилар. Шоҳ Дашарат шармисорликдан қаттиқ азоб тортиб, оламдан ўтади. Очиққўнгил, танти Бҳарат сургун муддати битгунча шоҳ бўлиб эмас, қонуний ворис акаси Рамнинг номидан мамлакатни бошқариб туришга рози бўлади.

Ака-ука ва Сита тоғу тошлар, ўрмону дарё-денгизлар оша ҳеч қаерда кўним топмай, бир юртдан иккинчи юртга ўтиб борадилар. Азиз-авлиёлар, девлар, турли инсонлар билан учрашадилар. Маймунлар салтанатига келиб, шоҳ Сугрив, Хониман, Жонбават ва бошқалар билан учрашиб, улар билан дўст тутунадилар. Рам Суғривнинг ёвуз акаси билан жангга киришиб, уни маҳв этади ва тахтни эгасига қайтаради. Маймунлар Рам ва Лакшманга Ситани ўғирлаб кетган Ланка султони Раванга қарши курашда яқиндан ёрдам берадилар. Бу кураш ғоят машаққатли ва оғир эди. Денгиз устига кўприк қуриб, девлар юртини забт этиш, Кумбхакарна, Индржит каби илоннинг ёгини ялаган, қудратли жангчиларга бас келиш осон эмас эди. Иймон-эътиқод, ҳарбий маҳорат, куч-қудрат, лашкарбошилик салоҳияти ҳалол ғалабани таъминлайди.

Рам аввал бошдан ҳалоллик, адолат, меҳр-шафқат йўлини тутади. Шунинг учун ҳам бахтига чанг солган Кайкейига ёмонликни раво кўрмайди, қуролсиз душманига пайкон отмайди, даҳшатли илоҳий қуролни унар-унмасга ишлатмайди. Жаҳлни тизгинлаб, ақл-фаросат билан иш кўради.

Фильм қаҳрамонларининг она-юртга, ака-ука, жигарларга меҳр-муҳаббат, лабзи ҳалоллик, дўстликка садоқат, севгига вафодорлик, устозларга иззат-ҳурмат, камтаринлик каби фазилатлари томошабинларда маънавиятни, одоб-ахлоқни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Фильм руҳи ва мазмуни "Алпомиш", "Гўрўғли", "Рустам" сингари ўзбек эпослари билан ҳамоҳанг ва муштаракдир.

Шарқшунос мутахассис, ҳинд ҳаётининг билимдони Амир Файзулла фильм матнини маҳорат билан ўзбек тилига ағдарган. Фильмнинг халқимиз ҳаёти, фалсафий қарашларига, анъаналарига ўхшаши жиҳатларига алоҳида урғу берган. Ёши, савияси жиҳатдан фарқ қиладиган томошабинлар учун яқин ва тушунарли чиқишига муваффақ бўлган.

Режиссёр К. Усмонов, янги авлод актёрлари Б. Муҳаммадкаримов, С. Раҳимжонов, Ғ. Хожиев, Г. Саъдуллаева, Б. Қодирова, М. Исмоилов, А. Рўзиев ва бошқалар ўзларига юклатилган ижодий вазифани дўндириб адо этганлар. Фильм намойишининг кўпчилик томошабинлар учун қулай бўлган шанба ва якшанба кунлари такрори билан режалаштириш айни муддао эканлигини қайд этиш лозим. Ойнаи жаҳонда сериаллар кўпайиб кетган. Улар халқимиз ҳаёти, яшаш тарзи, одоб-аҳлоқи, тарбиясига мос бўлиб тушса кошки эди.

Бизнингча, ўзбек халқ достонлари асосида кўп серияли видеофильмлар яратиш даври аллақачон етиб келган. Тажриба, ижодий имкониятлар ҳам етарли. Улар кеча-кундузда мириқиб томоша қилаётганимиз кўп миллионли томошабинларга манзур бўлаётган "Рамаяна" сериали сингари бўлишини жуда-жуда истардик.

Мирза АНВАР КАРИМОВ.

Ибратнома

ҲИСОБДАН АДАШГАН МАЛАК

Аллоҳ таоло фаришталардан бирини синаш мақсадида ерга тушиб, ўзи истаган бир одамнинг орттирган савобларини ҳисоблаб келтиришни буюрибди. Фаришта ерга тушиб биринчи учратган одами — оппоқ соқолли нуроний кексанинг савобларини ҳисоблашга киришибди: инсонларга меҳр-мурувват кўрсатгани учун савоблар, беморларнинг ҳолидан хабар олгани учун савоблар, ҳайр-садақа қилгани учун савоблар, қўшничилик ҳақини адо этгани учун савоблар... Ҳисоб маълум миқдорга етганда фаришта ҳисобдан адашиб кетиб, саноқни қайтадан бошлабди: майитга сув қуйгани учун савоблар, йўлда кўтариб кетилаётган тобутнинг бир учини елкасига олиб етти қадам босгани учун савоблар, отда кетаётиб мозор олдидан отини етаклаб, пиёда ўтгани учун савоблар, ўлганлар руҳига тиловат қилгани учун савоблар... Яна ҳисобдан адашиб кетибди. Ҳисобни учинчи марта қайтадан бошлабди: етимпарварлиги учун савоблар, олдисотдида ҳалоллиги учун савоблар, тўғри сўзлиги ва ростгўйлиги учун савоблар, ширин сўзлиги учун савоблар, фарзандларига тўғри тарбия бергани учун савоблар... Бу савобларнинг миқдори шу даражада кўп эканки, фаришта яна адашиб кетибди. Ҳали бу ёқда тилга олинмаган, жонзотларга ғамхўрлиги, қушларга озуқа бергани, ўсимликларни парвариш қилгани, Аллоҳ таъқиқлаган таомларни истеъмол қилмагани, ҳалол-пок яшагани, ўқиган намози, тутган рўзаси ва бошқа қатор яхши хислатлари учун берилган қанчадан-қанча савоблар турибди. Фаришта Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб, инсоннинг соч толаларини санаб бера олишини, катта бир уюм қум миқдорини бехато ҳисоблай олишини, ердаги ҳамма инсонлар ва жонзотларнинг саноғига етиши мумкинлигини, лекин, бу кекса инсоннинг савобларини ҳисобига ета олмаганини айтибди. Аллоҳ ўзи суйган бандаларига шунчалик кўп миқдорда савоб иньом этар экан. Ҳар кимнинг бировга зулм қилиши, инсонлар орасига нифоқ солиш, қотиллик, ўғрилик, бағритошлик, бераҳмлик, бемехрлик, ёлғончилик, очкўзлик, чақимчилик, ҳасадгўйлик, таъмагирлик, порахўрлик, судхўрлик, ўзгани мол-мулкига кўз олайтириш каби қилмишлари ва хислатлари оқибатида битиладиган гуноҳлардан Яратганнинг ўзи сақласин.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Саломатлик масканларида

ҲАМ ДАМ ОЛАСИЗ, ҲАМ ШИФО ТОПАСИЗ

АВТОВУСДА нуроний бир отахон билан танишиб қолдим. Ширинсуҳан киши эканлар. Йўл-йўлакай гаплашиб келдик. Султон ота "Янгийўл" кўп тармоқли юрак-асаб касалликлари санаторийсида ҳордиқ чиқариб, уйга қайтаётганлари, бу жой жуда ёқиб қолгани ҳақида сўзладилар. "Ёшим саксонга кириб бунақа шифохона кўрмаганман, кимки қайси дард билан келган бўлса, шу ерда даво топиб, дўхтирлардан миннатдор. Мени юрагим тез-тез безовта қиларди. Мана ҳозир, касалликдан фориғман, руҳим ҳам енгил", деб ҳордиқ масканини роса мақтадилар. Санаторий ҳақида ёзиш нияти ана шунда туғилган эди.

Яқинда Ўзбекистон кўзи ожизлар Марказий бошқармасига қарашли мазкур оромгоҳ директори Миродил МИРАҲМЕДОВ билан учрашиб, у билан мулоқотда бўлдик.

— Миродил ака, санаторийга келган ҳар қандай одамни, аввало, бу жойдаги шарт-шароитлар қизиқтиради. Шу муносабат билан унинг "таржимаи ҳоли" ҳақида қисқача нималар дея оласиз?

— Халқимизда бир нарсага бир нарса сабаб бўлади, деган гап бор. Бундан росмана қирқ икки йил аввал ҳозирги санаторий ҳудудида чиққан ўта фойдали минерал сув манбаи илмий ўрганилгач, бу ерда дастлабига дам олиш уйи очилди ва у йилма-йил кенгайиб борди. 1995 йили эса, бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар, имкониятлар ҳисобга олиниб, 255 ўринли санаторий дам олувчилар ихтиёрига топширилди. Шундан буён бу масканда нафақат юрак-қон томир касалликлари, балки ошқозон-ичак, тана ҳаракат органлари, қон босими, асаб, буйрак, бўқоқ, қулоқ, томоқ, бурун ва бошқа хасталикларга чалинган беморлар дардларига шифо топмоқдалар.

Кейинги йиллар ичида санаторийнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Энди унинг муолажа хоналари энг замонавий ташхис аппаратлари, Германия ва Исроилда биргаликда яратилган турли уқалаш анжомлари, инфрақизил ва қизил рангдаги лазер нурлари орқали даволаш ускуналари билан жиҳозланган.

Санаторийда компьютер ёрдамида ташхис қўйиш, электрокардиограмма қилиш, ультратовуш орқали касалликни аниқлаш каби илғор усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Хасталикларни даволашда магнитотерапия усули ҳам қўл келмоқда. Энг муҳими шифо масканимизда малакали, ўз касбига астойдил меҳр қўйган шифокорлар, моҳир ҳамширалар, техник ходимлар ишлашмоқда.

— Бу йил ҳам санаторийнинг ўзига хос режалари бўлса керак?

— Албатта. Мазкур йил учун қатор тадбирлар белгиланган. Яқин кунлар ичида хориждан жуда мукаммал аппаратлар олиб, энг мураккаб хасталикларни даволашни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Майдони 11 гектардан иборат бўлган ҳудудимиздаги боғлар янада кенгайтирилади, қўшимча хиёбонлар ташкил этилади. Олмония услубида қурилиши бошланган сержилва сув ҳавзасини бунёд этиш ишлари ниҳоясига етказилади. Оромгоҳимизда дам олувчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Бир ёки икки кишилик хоналар, иссиқ, совуқ сувли душ бўлмалари, беш қаватли асосий ётоқхонага ёндош бўлган уч қаватли муолажа маскани, кутубхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш заллари улар ихтиёрида. Ҳар бир инсонга очиқ чеҳра ва ҳозиржавоблик билан хизмат қилиш эса, ҳар кунги фаолиятимизнинг бош шиоридир.

Суҳбатдош Саид ВАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: *санаторий ҳаётидан лавҳалар.*

Д.АҲМАД олган суратлар.

Қатра

Сокин ва осуда қиш фасли кезмоқда. Бутун борлиққа сукунат чўккан. Гоҳ-гоҳдагина дарахтнинг қолган-кутган олтиндай сариқ, қовжироқ барглари чирт-чирт узилиб, ерга тушади. Жимжитлик. Гўёки табиат менга илтижо этаётгандек, мен билан сирлашаётгандек. Ана шу фасл бизни кўп нарсадан огоҳ этаётгандек, ўтаётган умримизни сарҳисоб қилаётгандек.

Узилган, хазонга айланган барглларга қарайману кечагина ҳаёт, лекин бугун орамиздан бевақт кетганлар кўз олдимдан ўтишади. Мадина опани эслайман. Очиққўнгил, покиза қалб эгаси эди. Худди бизлар каби шу ҳаётни, оиласи, фарзандларини, баҳор гулларини севардилар. Энди бу мунис аёл 2000 йил баҳорининг илк чечакларини кўра олмайдилар. Наҳот, ҳаёт шунчалар тошдан қаттиқ бўлса?! Умрининг сўнгги ойларида Мадина опа фақатгина бир нарсани орзу этгандилар: "Мен ҳам инсонлар каби кўчаларга чиқа оларминканман, одамлар қаторида юрарминканман", деб илтижолар этгандилар. Мен фақат бир нарсани хоҳлардим: инсонлар ўртасидаги меҳр ва оқибат барқ урса.

Хазонлар, хазонлар, инсон умрини эслатувчи хазонлар. Оёқ остидаги барглар шивирлашади: хазонга айландик, хазонга айландик.

Сокингина хиёбонни тарк этаман. Инсонларга бу фоний дунёда, покиза туйғулар ва узоқ умр тилайман.

Мушарраф АБДУРАҲМОНОВА.

ТУЙҒУЛАР

МОЗИЙГА НАЗАР

"ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ" студияси ижодкорлари киномухлисларга беш қисмдан иборат "Силсила" фильмини туҳфа этди. Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали наомйиш этила бошланган янги асар йигирманчи йилларда ўзбек халқи бошига тушган оғир кулфатлар, "босмачилик" тамғаси босилган халқ озодлик ҳаракати тўғрисида ҳикоя қилади.

Фильмни томошабинларга ўзининг "Меҳробдан чаён", "Кўнгил кўчалари" каби қизиқарли сериаллари билан яхши таниш бўлган иқтидорли режиссёр Маҳкам Маҳамедов яратди. Сценарий муаллифлари — Сабрий Сайхон ва Салоҳиддин Сирожиддинов, "Силсила"нинг асосий сюжетлари Фарғона водийсида суратга олинган, кўпчилик актёрлар ҳам маҳаллий театрларнинг саньаткорларидир. Шу боис, янги фильмнинг дастлабки тақдимоти Андижон ва Фарғона шаҳарларида ўтказилди.

(ЎзА).

ТУШЛИККА ТАПАКИ

(ҳажвия)

Соатнинг ёқимсиз қўнғироғидан уйғониб кетдим. Бир амаллаб "тепки"ни босдим-да, яна бошимни ёстиқ ичига олдим. "Уф, яна ишга бориш керак" – миямга келган биринчи фикр шу бўлди. Кеча ярим тунгача футбол кўрганлигим учунми, кўзларим юмилиб кетяпти. Эриниб-гина ўрнимдан турдим.

Ишхонам шаҳарнинг нариги четида. Ташқарига чиқиб, тарнов тагига қўйилган челакдаги ёмғир сувига юзимни ювдим. Кўйлак олиб, кийдим. Ташқари унча иссиқ эмасди. Пальто кийсаммикин, плашми деган хаёлда соатга қарадим. Олти яримни кўрсатиб, миллар чиқилларди. Тезроқ бўлмасам, кечикаман. Хизмат жойим қоғоз фабрикасида. Катта-катта тахлам қоғозларини кесаман. Кечга қолсам, нақ балога қоламан. Ойликдан кесишади. Чой ҳам ичмай кўчага чиқдим. Бекатдан ҳозиргина автобус келиб йўловчиларни олиб кетган шекилли, бекатда ҳеч ким кўринмайди. Йўқ, автобус кўп куттирмади. Бўш ўриндиққа ўтириб олиб, кўзимни юмиб кетавердим. Ахир, охирги бекатгача бораман-да! Орадан қанча вақт ўтди билмайман-у, машинанинг қаттиқ силкинишидан қалқиб тушдим. Салонда ҳеч ким қолмаганди. "Лип" этиб орқа эшикдан тушдим.

Иш жойимга келиб иш бошладим. Шунда ҳалиги автобусга билет ҳам олмаганим эсимга тушиб, мийиғимда кулиб қўйдим.

Вақт – учқур от. Зум ўтмай тушлик вақти бўлиб қолибди. Ҳамкасбларим корхонанинг ўзида овқатланишадиган бўлишди. Мен: "Бир сомсахўрлик қилай", деган мақсадда рўпарадаги қаҳвахонага борадиган бўлдим. Коржомамни еча туриб, ён чўнтагини кавладим. Сигарета қутиси чиқди. Бир дона сигарета қолибди. Бир кўнглим "Тушликдан келай, кейин чекаман", дедим. Хумор йўл бермади. Боре, дедиму лабимга сигаретани қистириб, олов олдирдим. Шу пайт рўпарамдан келаётган ҳарбий кийимдаги киши тўғри мен томонга юрди. "Гугурт сўраса керагов", деган фикр ўтди.

– Қанақа одамсиз ўзи, шу ерда ҳам чекадими?

– Нима? – Тушунолмай қолдим гарангсиб.

– Иш жойида ҳам чекадими деяпман. Фамилиянгиз нима? Шу ерда ишлаб, қоғознинг тезёнар маҳсулот эканини билмайсизми? Юз сўм жарима тўланг, – деб қўлидаги чарм ғилофини очиб, далолатнома ёза бошлади. – Мана далолатнома. Юз сўм тўланг.

Ғалати бир аҳволда қолиб, қўлимни чўнтагимга югуртирдим. Кўлимни чўғдек куйдирган юзталикни истар-истамас унга узатдим.

– Учиринг, оғзингиздагини. – У буйруқ оҳангида деди. – Қанақа одамсиз ўзи? – У нималарнидир гапирар, қулоғимга гап кирмасди.

Ҳисобидан билмаган ...деб ана шунга айтишса керак. А, лаббай! Наилож, тамакининг қолган қисми билан "тушлик" қилишга тўғри келади, шекилли.

Муқаддас ЮСУПОВА.

ҲАНДАЛАР

ОДАМНИНТ ОЁҒИ НЕЧТА

Ярим кечада уйига зўрға етиб келган эр хотинига шикоят қилди:

— Одамлар шунақанги бефарқ бўлиб кетишибдики, то уйга етгунча қўлимни беш марта босиб олишди.

Хотини энсаси қотиб, пичинг қилди:

— Ўзингиз ҳам одамларга ўхшаб икки оёғингизда юролмагандирсиз-да...

ҚИЗИЛ ЧИРОҚ

Беш ёшли болакай отасининг азбаройи ичаверганидан қип-қизил бўлган бурнини кўриб, ойисига деди:

— Ойижон, дадамни ёнидан ўтманг.

— Нега? — ажабланди ойиси.

— Бурунларида қизил чироқ ёниб турипти.

ҚАЕРДА ЯШАСАНТ...

Мухбир бир умр темир йўл ёқасидаги уйида яшаган тўқсон ёшли онахондан сўради:

— Айтинг-чи, узоқ йиллар шу ерда яшабсиз, тарақа-туруқлар жонингизга тегмадими? Кайфиятингиз қандай?

— Чатоқ-чатоқ, чатоқ-чатоқ, — бошини сарак-сарак қилди кампир.

ҚАССОҒТА МОЙ ҚАЙҒУСИ...

Меҳмонхонада ёнғин кўтарилди. Одамлар саросимада қичқирарди:

— Сув, сув, тезроқ сув келтиринг!

— Кайфи тарақ бир меҳмон ҳам бақираяпти:

— Ўн учинчи хонага эса, икки шиша коньяк.

Турмуш чорраҳаларида

АЙБИНГ – мени севганинг

Ўзини Мавлуда деб таништирган бу аёл аввал хўнг-хўнг йиғлаб олди. Сўнгра гапни узоқдан бошлади.

— Биз севишиб турмуш қурганмиз. Ота-онам розилик беришмаса ҳам, "шундан бошқасини демайман" деб оёқ тираб туриб олганман. Улар мени кўнглимга қараб, ноилож рози бўлишган. Аввал бошида анча яхши яшадик. Кетма-кет қиз туғилди-ю аста-секин тинчлигим йўқолди. Тез-тез жанжаллашадиган, ҳатто калтаклайдиган бўлди. Айбим — уни севганим. Фақат шу билан тилимни қисарди. Ҳар гапида "ўзинг орқамдан, ялиниб келгансан. Ота-онанг розилик бермаса ҳам ўзинг теккансан. Энди чидайсан", деяверади.

Шу зайлда ҳаёт давом этаверди. 7 фарзандим — 6 та қиз ва бир ўғлим бор. Рўзғорнинг барча юки менинг бошимда. Турмуш ўртоғим фақат уйда еб ётади. Шунга ҳам розиман. Фақат кечқурун уйга келганимда: "Яхши келдингми, онаси?" — деса, бас.

Тошкентга балиқ оборib сотаман. Унча-мунча фойда кўрамиз. Катта рўзғор, ҳали гуруч, ҳали ёғ дегандек. Бу рўзғорнинг ками битмас экан. Хўжайин бўлса, ҳар кунги фойдамни суриштиради, жанжал қилади. Ўзи на маҳаллакўйга, на одамларга қўшилади. На ҳайитни, на намозни билади. Тўй-маъракаларга-ку умуман чиқмайди. Маҳаллакўйдан ор-номус қиламан, қизларим кетма-кет бўй етиб турибди. Биз ҳам уларнинг тўйини қилсак, эшигимиздан ким келади?

Бирор жойга ишга киринг, рўзғорга қарашворинг, деб балога қолдим. Ҳали чойнак учади, ҳали пиёла. Қўлига илинган нарса билан уради. Мана шундай жанжаллардан безиллаб қолдим. Соғлиғим ҳам ёмонлашиб боряпти. Охирги икки жанжалда юрагим ҳам хуруж қилиб, хушимни йўқотдим. Шунда ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса демай, эртаси куни яна тонг саҳардан бозорга кетавердим...

Мавлуда опанинг сўзларини эшитиб ўтириб эридан нафратландим. Қаранг, жуссалари кичкина шу аёл 7 фарзандни туғиб, рўзғор деб аталмиш туганмас оғир юкни бир ўзи елкасида кўтариб, шунча йил яшаб келаётган бўлса-ю, танбал эр бўлса: "Айбинг — мени яхши кўрганинг, ҳаммасига чидайсан-да", деб ўрнидан турмай ётаверса.

Ҳурматли эркаклар! Қани бир ўйлаб кўринг-чи, бундай одамни ким деб аташ мумкин? Ҳеч бўлмаса икки оғиз ширин сўзини ёстиқдошидан аяган инсон — умр йўлдоши бўла оладими? Умуман оила, умр йўлдоши дегани фақат 8-10 нафар фарзандни дунёга келтириш-у, қолган ташвишларнинг барини аёл зиммасига юклашми? Тўғри, эркак оиланинг устуни, оиланинг подшоҳи деб атаймиз. Бу сўзлар фақат баландпарвоз, китобий сўзларми? Ахир, ҳаётда ҳам улар устун эмасми? Устун деганимиз аёлнинг ҳукмдори эмас, балки унинг суянчиғи, қўллаб-қувватловчиси, ҳамдарди, йўлдошидир.

Аёл-чи?! Мавлуда опага ўхшаган аёллар камми дунёда? Оиланинг юки фақат унинг зиммасида қолиб кетиб, у соғлиғи, гўзаллиги, ёшлигини йўқотиб қўймаяптими?! Бузуқ аёллар кўпайиб кетяпти, деймиз. 3-4 фарзандини ташлаб, бошқа эркак билан кетиб қолаётган аёллар қанча?! Ахир ўша аёлларни ёмон йўлга кириб кетишига, қисман бўлса ҳам, ана шу юк оғирлиги сабаб бўлмаётганмикан? Ҳамма вақт оилада хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, маишат йўлига кириб кетса, албатта, оиладаги аёл қораланади. Нима учун эркакни оила бошлиғи деймиз-у, айбни аёлдан қидирамиз? Ахир "эр-хотин — қўш ҳўкиз", дейишганидек, аравани бирга тортишлик қани?

Ҳурматли эркакларимиз бизни кечирсинлар-у, бироқ ҳозирги ҳаётимизда "Берсанг ейман, урсанг ўламан" деб яшаётган эркаклар кўп. Бошида дўпписи борлари эса, ҳеч қачон аёлга қарам бўлиб ўтирмайди. Сиз бунга нима дейсиз, "оиламиз подшоҳлари"?

Сурайё АҲМЕДОВА.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 2-5 февраль кунлари пойтахтимиз Тошкентда ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Шу даврда осмонни тез-тез булут босиб, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши кутилади, баъзи жойларга туман тушади. Ғарбдан 7-12 метр тезликда эсаётган шамол ўз йўналишини Шарққа ўзгартириб туради. Ҳарорат кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, давр охирида эса, кечалари 0-5, кундуз кунлари 5-10 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиштартиби: №8. Буюртма Г-095. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.595 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6